

ные отношения. Это так называемая «скрытая программа социализации» [1:57], благодаря которой развивается эмоциональная и социальная жизнь ребенка, формируется его представление о себе и о том, что думают о нём другие.

С первых дней пребывания в школе ребенок включается в процесс межличностного взаимодействия с одноклассниками и учителем. На протяжении младшего школьного возраста это взаимодействие имеет определенную динамику и закономерности развития.

У первоклассников в период адаптации к школе об

щение с одноклассниками, как правило, отстает на второй план перед обилием новых школьных впечатлений. Дети настолько поглощены своим новым статусом и обязанностями, что почти не замечают одноклассников, не всегда могут ответить на вопрос: «Кто сидел рядом с тобой за партой?»

Наблюдения за первоклассниками показывают, что вначале дети как будто даже избегают непосредственных контакты друг с другом, каждый из них пока ещё «сам по себе». Контакт между собой дети осуществляют посредством педагога.

Литература

1. Бурлачук Л.Ф. Психология личности. -К.: Здоровье, 1989.
2. Коломинский Я. Л. Диагностика психического развития. -М.: 1969.
3. Общение и формирование личности школьника. -Москва: 1987.
4. Петухов В.В. Лекции по общей психологии. -Москва: 2007.

Мақола психологик маданиятга бағишланган бўлиб, бунда бола ёш даражасидан ижтимоий мақомидан катъий назар тадқиқот максади, мазмуни ва асосий қадрияти, деб қаралган. Унда шунга эътибор берилганки, бола бошланғич мактаб ёшида кўпроқ кишиларнинг хулқ-атворида диққат қаратади. Уларнинг сифат томонлари ва фаолиятининг психологик жиҳатларига кам эътибор беради. Айниқса, бу мулоқот жараёнида яхши сезилади, шу сабабли ҳам мақолада мулоқотнинг психологик жиҳатлари кенг таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается проблеме психологической культуры, в контексте которой ребёнок является целью, смыслом и основной ценностью вне зависимости от его возраста, уровня развития на сегодняшний день, социального статуса. В статье раскрывается, что в начальном школьном возрасте дети больше обращают внимание на поведение, чем на качества личности и психологическую концепцию деятельности, определяется также объект коммуникативной деятельности, лежащая в её основе потребность, мотивы общения, коммуникативные задачи, решаемые людьми в ходе общения.

SUMMARY

The article is devoted to the psychological culture in the context of that which the child is the aim, meaning and basic values regardless of his age, level of development to and social status. The article reveals at the primary school age of children more attention is paid to the behavior than on personality's qualities and psychological conception of activity, the object of communication is also determined, the requirements, motives of communication, communicative tasks, solved by people during communication.

ЎҚУВЧИЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШДА ПСИХОЛОГИК - ИЖТИМОЙ МУАММОЛАР

Э.С.Султбаева - катта ўқитувчи

Ажиниёз номидаги НДПИ ҳузуридаги ХТХҚТМО минтақавий маркази

Таянч сўзлар: жамият, инсоният, психология, оила, физиология, акселерация, ижтимоий функция, шахс, никоҳ.

Ключевые слова: общество, человечество, психология, семья, физиология, акселерация, общественная функция, личность, брак.

Key words: society, humanity, psychology, family, physiology, acceleration, social function, personality, marriage.

Оила – жамиятнинг ажралмас бўлаги. Бирор бир халқ, миллат ёки жамият йўқки, у ўзининг ривожланиши тарихида ва тараққиёт истикболини белгилашда оила ва унинг атрофидаги муаммоларни, қадриятларни инобатга олмаган бўлса. Ҳар қандай истикбол оиланинг манфаатларидан айро тасаввур қилинмайди. Зеро, ҳар бир инсон учун оила – бу умрнинг бошланиши, барча нарсаларнинг муқаддимасидир. Қолаверса, ҳар бир инсон ўз бахти ва саодатини энг аввало оиласи билан боғлайди, яъни, ўз уйи, оиласида бахтли бўлган инсонгина ўзини тўлақонли бахтиёр ҳис этади.

Ўзбекистонда ушбу муаммога оид изланишлар, оила психологияси йўналишида Ўзбекистонда ўтказилган илимий – тадқиқот натижалари Г.Б. Шоумаров, В.Каримова, Н.А.Соғинов, Э.Усмонов, Х.Каримов, Б.Умаров, М.Утепбергенов ва бошқа изланишлардан фойдаланилган ҳолда оиланинг этнопсихологик ва ижтимоий –психологик хусусиятларини батафсил ва атрофлича ифодалашга ҳаракат этилди ва тадқиқотлар олиб борилган.

Оилавий ҳаётга тайёрлашда бир қатор ижтимоий – психологик муаммоларга эгамиз:

Маълумки, инсоният жамияти тараққий этиб борган сари одамларнинг ўзлари ҳам, уларнинг бир-бирлари билан бўладиган муносабатлари ҳам, айниқса шахслараро муносабатлар орасида энг самимий, энг яқин бўлган оилавий муносабатлар ҳам такомиллашиб, ўзига хос тарзда мураккаблашиб боради. Сабаби: ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш муносабатлари, воситалари тараққиёти, қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариши, умуман халқ хўжалигининг барча жабҳаларида янги технология,

техник жараёнларнинг жадал жорий этилиши бевосита шу жараёнларнинг яратувчиси, иштирокчиси бўлган инсон омилига, инсон шахсига ҳам ўзига хос, янгича талаблар қўймоқда. Ишлаб чиқариш муносабатлари, жамият тараққиёти бир томондан, оммавий ахборот воситалари жумладан (Интернет маълумотлари, телевидение ва радио махсулотлари) орқали берилаётган салбий мазмундаги материаллар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига хос бўлмаганлиги, ўзларида рўй бераётган ижтимоий-психологик, физиологик ва бошқа ўзгаришлар ўқувчиларининг ўзаро мулоқот муносабатлари доирасини маълум даражада чегараланиб қолишига, уларда ўтмишдошларимизда кузатиладиган табиийликни маълум даражада бузилишига ва оқибатда инсон руҳиятида мумкин қадар ҳиссий, эмоционал зўриқишларнинг юзага келишига асос бўлмоқда. Буларнинг таъсири оилавий ҳаёт ва ундаги психологик иқлимда ҳам ўз ифодасини топади.

Ёшларимизда бу масала бўйича аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун, бундан 90—100 йиллар олдинги уларнинг тенгдошлари, яъни ўтиб бораётган асримиз бошидаги ва бугунги кунларимиздаги 15—16 ёшли йигит-қизлар ўртасидаги тафовутларни солиштириб ўтамиз [1].

Махсус адабиётларда ёзилиши ва ўтказилган тадқиқотлар натижаларида кузатилишича, сўнгги 100 йил ичида одамларда кузатиладиган акселерация жараёнига кўра уларнинг жинсий, физиологик балоғатга етиши 2—3 йилга илгарилаб кетган. Бундан 100 йилча олдин ёшларнинг жинсий балоғатга етиш даври 15—16 ёшга тўғри келган, ҳозир эса бу ҳолат

ўртача 11—12 ёшларга тўғри келади. Энди шу ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлик жихатларини кўриб чиқамиз.

Бугунги ёшларимиз эса юқорида баён этилганидек, 11—13 ёшларида жинсий балоғатга етадилар ва аксарият ҳолларда юқорида келтирилган омиллар таъсирида ёшларимиз орасида эрта оила қуриш ҳолатлари кузатилади, яъни қизлар 15—17 ёшда, йигитлар эса 16—18 ёшда оила қурадилар. Бу ҳолатлар касб-хунар коллежлари ва лицейларида содир бўлмоқда. Бу вақтда эса улар на иқтисодий жиҳатдан, на ижтимоий жиҳатдан ва на психологик жиҳатдан оилавий ҳаётга тайёр бўладилар. Бундай ҳолатлар шубҳасиз, уларнинг оилавий ҳаётларида олдинги тенгдошлари ҳаётида кузатилмаган муаммоларни келтириб чиқаради.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки оиладаги ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларда болаларнинг ёшга оид психологик хусусиятлари ота-оналар томонидан ҳисобга олмагани, айнан шу сабаб оилада зиддиятлар пайдо бўла бошлайди, ушбу зиддиятлар кун сари ўтиб ечиб бўлмайдиган муаммога айланади. Масалан, боланинг дунёкарашлари, эркин фикрлари, кизикишлари ва имкониятларини ҳисобга олмагани сабаб ёшлар онгида салбий ўйларнинг (ўз оиласи ва оила аъзоларидан йироқда бўлиш, яъни эрта оила қуриш; муаммоларини еча олмагани сабабли ўз жонига қасд қилиш каби) пайдо бўлишига олиб келади [4]. Бу масалага изоҳ берадиган бўлсак бу ҳолатларнинг юзага келишида айрим ота-оналарнинг психологик саводхонлигининг пастлиги, ўз вақтида бор манбалардан тўғри фойдаланманлиги ва доимий равишда вақтнинг танқислигини баҳона қилиши ва боланинг келажагига лоқайдлигини кўрсатади. Бу жойда «Қуш уясида кўрганини қилади» иборасини ҳам эсдан чиқармаслигимиз зарур. Сабаби таълим даргоҳлари болаларда қанчалик билим, кўникма ва малакаларни шакллантиргани билан асосий ҳал қилувчи хатти-ҳаракатлар ота-она томонидан амалга оширилади. Ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлашда қорақалпоқ оилаларнинг этник хусусиятларини, миллий қадриятларини, қорақалпоқ оилаларининг миллий ва маънавий қиёфасини ҳисобга олган ҳолда ота-оналарнинг психологик билим даражаларини орттириш зарур.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида, умумий ўрта таълим мактабларидаги ўқувчи ёшлар билан олиб борилган суҳбатларда кўпчилик ўқувчиларнинг оила ҳақидаги тасаввурлари аниқланди. Уларга берилган «Соғлом ва носоғлом оила деганда» нимани тушунасиз? саволига кўпчилик 60-70% ўқувчилар соғлом оила тушунчасига кўра носоғлом оила тушунчасига кўплаган фикрларини билдирди. Бундан

шундай хулосага келиш мумкинки, юқорида кўрсатилиб ўтилган оиладаги ўзаро зиддиятли муносабатлар ёшлар онгида оила бебаҳо қадрият, маънавий маскани эканлиги ҳақидаги тушунчалари паст даражадаги эканлигини кўрсатади [2].

Бундан ташқари, жамият тараққиётининг бугунги ҳолати ҳозирги замон оиласи олдида ўзига хос янги ижтимоий функцияларни ҳам юклайдики, буларнинг барчаси ҳозирги ёшларимизни оилавий ҳаётга махсус тайёрлаш масаласини энг долзарб масалалардан бири бўлишини тақозо қилмоқда. Шунинг учун ҳам сўнгги 15—20 йил давомида дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида, бизнинг республикамизда эса мустақилликка эришганимизнинг дастлабки йиллариданоқ, оила масалаларига, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалаларига, оилаларда қонини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Умуман, инсоният жамияти тобора тараққий этиб бораверар экан, оила масалаларининг долзарблиги ҳам шунга мос равишда ортиб бораверади ва оилага бўлган эътибор ҳам кеча ва бугунга қараганда эртага янада юқорироқ бўлади. Чунки оила жамиятнинг кичик бир кўриниши бўлиб, у қанча иноқ, аҳил ва мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик қудратли бўлади. Мана, «Оила психологияси» курсини ёшларга ўқитишнинг долзарблигини ифодаловчи асосий омил [3].

«Оила психологияси» курсининг яратилиши ва унинг ўқув предметлари қаторида мактаб, коллеж, лицейларда ўтиладиган дарслар жадвалига киритилиши ҳам Республикамиз Ҳукумати томонидан юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг мантикий ва мазмуний давомидир.

1. Ўқувчи – ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, маҳалла ва жамиятдаги ўзаро муносабатларнинг илк ва асосий кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш;

2. Ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ва фарзандлар билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

3. Фарзандини оилавий ҳаётга тарбиялашда аж-додлардан ўтиб келаётган бой маънавий мерос, ахлоқ-одоб, урф-одат ва анъаналардан бугунги кун билан уйғунлашган ҳолда кенг фойдаланиш.

4. Фарзандини қонини инсон этиб тарбиялашда ота-онанинг ҳуқуқий, тиббий, педагогик, психологик саводхонлигини ва билим даражасини доимо ошириб бориш;

Ҳар қандай истиқбол оиланинг манфаатларидан ай-ро тасаввур қилинмайди. Зеро, ҳар бир инсон учун оила – бу умрнинг бошланиши, барча нарсаларнинг мукад-димасидир.

Адабиётлар

1. Каримова В.М. Ўзбек ёшларида оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар шаклланиши: Психол. фанл. докт. ... дисс. –Фарғона: 1994, 322-б.
2. Утепбергенов М.А. Формирование у молодёжи семейных духовно-нравственных ценностей в условиях взаимодействия семьи и школы. Образование и воспитание молодежи – фундамент благополучия процветания жизни. -Тошкент: 2013.
3. Шоумаров Г.Б. Психологические аспекты подготовки молодёжи к семейной жизни. Об-во. «Знание» - 1983.
4. Шоумаров Г.Б. «Мухаббат ва оила» Изд-во Ибн-Сино. -Ташкент: 1994.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва муаммонинг психологик хусусиятлари, оиладаги ўзаро кўникмалар ҳамда ҳар бир оила аъзоларининг ҳуқуқлари ва вазифалари ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье говорится о подготовке учащихся к семейной жизни и психологических особенностях данной проблемы, о навыках взаимоотношений в семье, о правах и обязанностях каждого из членов семьи.

SUMMARY

The article deals with the training of learners for family life, psychological features of this problem, skills of family relationship and the rights and responsibility of every member of the family.